



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 29 июнь, № 132 (9027)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида ўзининг юксак азму шижоати, ижодий ва интеллектуал салоҳияти, истеъдод ва қобилиятини намойён этиб, ҳалол ва самарали меҳнати, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан юртимиз тараққиётига, унинг халқаро обрў-эътиборини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, она Ватанимизга меҳри ва садоқати, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпарварлик фазилатлари билан тенг-дошларига ўрнак бўлиб келаётган куйидаги ташаббускор ва етакчи ёшлар «Келажак бунёдкори» медали билан мукофотлансин:

Абдиганиева Надира Абдиназар қизи — Қорақалпоқ давлат университетининг 1-босқич магистранти, Қорақалпоғистон Республикаси
Исмоилов Жамшидбек Рашид ўғли — Тўрткўл туманидаги «Навоий» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Иброҳимова Райёна Нодирбек қизи — Андижон шаҳридаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси, Андижон вилояти
Режавалиев Жамшидбек Жасурбек ўғли — Андижон шаҳридаги «Wester Group RJ» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти
Дехқонова Рухсона Шухрат қизи — Бухоро давлат педагогика институтининг 1-босқич талабаси, Бухоро вилояти
Туксанов Парвиз Абдурахимович — Бухоро шаҳридаги «Phoenix Academy» ўқув марказининг SAT имтиҳони бўйича тайёрловчи-мутахассиси, Бухоро вилояти
Адилова Фарзона Алишер қизи — Жиззах шаҳри ёшлар ишлари бўлими бошлиғи, Жиззах вилояти
Турдибоев Акбар Икром ўғли — Дўстлик туманидаги «Wegroww Tech» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Жиззах вилояти
Жалилов Абдиқаримбек Абдихалил ўғли — «Шўртан газ қимё мажмуаси» масъулияти чекланган жамиятининг лойиҳалар офиси гуруҳи мутахассиси, Қашқадарё вилояти
Ходиева Ситора Шохаббос қизи — Қарши давлат техника университетининг таянч докторанти, Қашқадарё вилояти

Аслонов Аброр Бурхонович — «Navoiyazot» акциядорлик жамиятининг аммиак ишлаб чиқариш цехи смена катта устаси, Навоий вилояти
Максютова Алина Хуршидовна — Навоий шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси, Навоий вилояти
Ахмадалиева Нихолаҳон Фозилжон қизи — Тошкент давлат иқтисодий университетининг халқаро молия кафедраси катта ўқитувчиси, Наманган вилояти
Мамадалиев Захириддин Сайфиддин ўғли — Наманган шаҳридаги «Nightmare Labs» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти
Кудратов Шохрух Одил ўғли — Самарқанд шаҳридаги «Polyglot school» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти
Салимова Махбуба Хидирбай қизи — Самарқанд давлат университетининг 1-босқич магистранти, Самарқанд вилояти
Абдуалимов Алишер Самандар ўғли — Сирдарё туманидаги «Sir uni xizmati» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти
Жўрабоева Зиёда Олимжон қизи — Гулистон туманидаги «Озодбек тўхфаси» фермер хўжалиги механизатори, Сирдарё вилояти
Исмаилов Шахзод Бахтиёр ўғли — Термиз шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти
Хакимжонов Ситорахон Абдуқаҳор қизи — Сарийосиё туманидаги «Sitara Profession» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти
Маматқулов Қаҳрамон Ўқтам ўғли — Бекобод шаҳридаги «Ibrat xos obod» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти
Садикова Феруза Равшанбек қизи — Тошкент вилояти яққақураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг таъқвондо бўйича мураббийси
Махмудов Саидахмадхон Саидахоррхон ўғли — Марғилон шаҳридаги «Textile Group and Gold» хусусий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти
Набиева Сабина Шерзод қизи — Америка Қўшма Штатларининг Аризона университети 3-босқич талабаси, Фарғона вилояти

Очилова Мафтуна Омонжон қизи — Урганч шаҳридаги «Нурли ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Хоразм вилояти
Юсупов Дилшодбек Улугбекович — Урганч шаҳридаги «Diir logistech» масъулияти чекланган жамияти директори, Хоразм вилояти
Курёзова Шохсанам Озодбой қизи — Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 2-босқич талабаси, Тошкент шаҳри
Халиков Шерзод Якубжанович — Яшнобод туманидаги 30-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Тошкент шаҳри
Абдиқаликов Бобир Алишер ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Бўтаева Гуласал Тошқул қизи — Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетининг 2-босқич талабаси
Гойинова Орзулгул Умаровна — «Ибрат фарзандлари» нодавлат нотижорат ташкилоти эксперти, «TOP-100 Uni» лойиҳаси раҳбари
Исроилова Азиза Илҳом қизи — «EPAM Systems» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маълумот таҳлилчиси, дастурчи
Камбаров Асрор Авазович — «Uzbekistan airways» акциядорлик жамиятининг Парвоз хизмати департаменти «A-320» ҳаво кемаси учувчиси
Мухторов Сардорбек Нурули ўғли — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон» локомотив депоси «Afrosiyob» юқори тезюрар электропоезди машинисти
Сабиров Нариман Русланович — Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг эндоскопия бўлими шифокор-эндоскописти
Саипова Фотима Дилшод қизи — Велоспорт бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси
Тоҳиржоновна Гулрухбегим Алишер қизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2025 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

«МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларда алоҳида фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва қобилияти, интилувчанлиги, ташаббускорлиги ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширишга катта ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. «Мард ўғлон» давлат мукофоти би-

лан тақдирланганларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги «Мард ўғлон» давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ф.Ф.Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2025 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 28 июндаги ПҚ-208-сон қарорига илова

«Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Хожабеков Батирбек Жолмурзаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси ҳарбий қисми спорт гуруҳи йўриқчиси (Қорақалпоғистон Республикаси)
Эшнйязов Ислам Сапарбаевич — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри сахна устаси (Қорақалпоғистон Республикаси)
Нўмонжонов Муҳиддин Ғуломжон ўғли — Андижон давлат тиббиёт институтининг биологик қимё кафедраси ассистенти (Андижон вилояти)
Саттаров Акмалжон Тўраов ўғли — Андижон ихтисослаштирилган санъат мактабининг дамли ва зарбли чолгу ижрочилиги йўналиши ўқитувчиси (Андижон вилояти)
Ёриев Шохижохон Ўткир ўғли — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг 4-босқич талабаси (Бухоро вилояти)
Рашидов Улугбек Уктамович — Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг 10-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)
Маматқаримов Даврон Абдурашид ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси (Жиззах вилояти)
Суннатов Кудратулло Сундоркул ўғли — Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали 4-босқич талабаси (Жиззах вилояти)
Каримов Даврон Камолиддин ўғли — Ўзбекистон давлат филармониясининг хор жамоаси артисти (Қашқадарё вилояти)
Муҳитдинов Бобур Анварович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг махсус вазифалар бўйича республика кутқарув маркази йўриқчи-қутқарувчиси (Қашқадарё вилояти)
Бахтиёр Фохриёр Ақромжон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университетининг 1-босқич магистранти (Навоий вилояти)
Ережебаев Куанишбек Турсунович — Тошкент давлат тиббиёт университетининг 1-босқич магистранти (Навоий вилояти)
Рахимов Файзулло Хусанбой ўғли — Наманган давлат техника университетининг докторанти (Наманган вилояти)

Сотволдиев Жамшидбек Фарходжон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси (Наманган вилояти)
Тошбеков Санжар Исомиддин ўғли — «Маънавий ҳаёт» журнали мусахҳихи (Самарқанд вилояти)
Ҳакимов Феруз Хуршид ўғли — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 1-босқич магистранти (Самарқанд вилояти)
Клешко Михаил Сергеевич — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)
Усмонов Азизбек Абдумурод ўғли — Ўзбекистон давлат консерваториясининг 4-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)
Жандреев Шермухаммад Мамаражаб ўғли — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси (Сурхондарё вилояти)
Кудратиллаев Парвез Камол ўғли — Ўзбекистон Миллий университетининг 2-босқич талабаси (Сурхондарё вилояти)
Алиев Муроджон Анвар ўғли — Паркент туманидаги 29-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик синфи ўқитувчиси (Тошкент вилояти)
Эгамбердиев Мухаммадиброҳим Бақожон ўғли — Тошкент давлат тиббиёт университети 2-босқич талабаси (Тошкент вилояти)
Шерматов Қобилжон Отақўзи ўғли — «Янги Фарғона» газетаси муҳбири (Фарғона вилояти)
Худобердиев Шавкатжон Нурмат ўғли — Тошкент давлат техника университетининг таянч докторанти (Фарғона вилояти)
Умиров Алибек Жавлонбек ўғли — «Янги Ўзбекистон» университетининг 1-босқич талабаси (Хоразм вилояти)
Эгамбердиев Мақсадбек Бахтиёр ўғли — Бобот туманидаги ихтисослаштирилган мактабининг 11-синф ўқувчиси (Хоразм вилояти)
Мухаммадов Миржаҳон Мухаммаджон ўғли — Тошкент шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)
Носиров Жаҳонгир Мансур ўғли — Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, журналист (Тошкент шаҳри)

30 июнь — Ёшлар куни

ИСТЕЪДОДЛИ ВА ФИДОЙИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР

мамлакатимиз таянчи ва суюнчи

Ҳар қандай мамлакатнинг тарихий тараққиёт йўлидан аёнки, унинг жадал ривожланиши, катта натижа ва ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон ҳаёт кечирishi ўша давлатдаги навқирон авлод вакиллари билан таълим-тарбияси ҳамда келажагига берилган эътибор билан чамбарчас боғлиқ.



Қайд этиш жоизки, юртимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим олиши, ўз иқтидорини кўрсатиши ҳамда ривожлантириши учун зарур шарт-шароитлар яратиб борасида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилмоқда ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштирилиб боришмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи имзолаган қонун ҳужжати — 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат

сиёсати тўғрисида»ги Қонун эканида ҳам рамзий мазмун-моҳият мужассам. Мамлакатимиз аҳолисининг яридан кўпрогини айнан ёшлар ташкил этиди. Бу давлатимиз раҳбарининг янги Ўзбекистонни ва унинг Ренессанс пойдеворини бунёд этиш гоёси рўйида навқирон авлод вакиллари билан ўрни ва аҳамияти юксак эканидан далолат.

Бинобарин, Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлақати. 30 июнь — Ёшлар куни арафасида мана шу қўлайликлардан унумли фойдаланиб, жамиятда ўз ўрни ва сўзига эга бўлиб бораётган ёшлардан фикр-мулоҳаза ва дил сўзларини ёзиб олдик.

МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ИЛМ-ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Парламент юқори палатасининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида Олий таълим, фан ва инновациялар вазيري ҳамда Фанлар академияси президентининг "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги Қонун ижроси бўйича ахборотлари эшитилди.



Қайд этилганидек, сўнгги йилларда илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантириш, соҳани ма-

лакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини рағбатлантириш, шунингдек, илмий

тадқиқотларни самарали амалга ошириш учун илгор хорижий технологиялардан фойдаланиш бора-сида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

2030 йилгача илм-фанни ривожлантириш концепцияси ва давлат дастурлари ижроси натижасида қатор ижобий ютуқларга эришиляпти.

Хусусан, илмий кенгашлар ва илмий даражага тасдиқланганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бугунги кунда республика бўйича 345 та илмий кенгаш (шундан 259 таси олий таълим ташкилоти ва 86 таси илмий муассасалар ҳузурида) фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг сони 2020 йилдагига нисбатан 2 баравар ошган.

2017 йилда вилоятларда жойлашган олий таълим ва илмий ташкилотлар ҳузурида 5 та илмий кенгаш фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 169 тани

ёки мавжуд илмий кенгашларнинг 49 фоизини ташкил этади.

2020 йилда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун 1 421 нафар талабгор тасдиқланган бўлса, уларнинг сони 2024 йилда қарийб 2,5 баравар кўпайиб, 3 485 нафарга етди.

Ёки 2020 йилда фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун 337 нафар талабгор тасдиқланган бўлса, улар 2024 йилда 553 нафарни ташкил этган.

Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар натижадорлиги оширилиб, илмий салоҳият 45 фоизга етказилганлиги боис илмий даражаси бор педагоглар улуши мамлакат бўйича 38 фоиздан 45 фоизгача кўпайган.

Мажлисда соҳада амалга оширилган ишлар билан бирга айрим муаммолар ҳам сақланиб қолаётгани танқид қилинди.

Хусусан, диссертациялар сифа-

тини таъминлаш мақсадида ўтказилган мониторинг давомида 2022 — 2024 йилларда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тақдим этилган диссертацияларнинг 58 фоизи ёки 31 548 таси экспертиза-таҳлил натижаларига кўра қайта ишлаш учун 5 мартагача қайтарилган.

Шунингдек, айрим илмий лойиҳаларни амалга оширишда иш ҳақи тўланмасдан қолган ва тегишли воситалар ўз вақтида харид қилинмаган.

Сенаторлар томонидан илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантириш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техник ҳолатини мустаҳкамлаш борасида масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига тавсиялар берилди.

Муҳокама якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Халқчил ислохотлар аҳолини эшитишдан бошланади

Ўтган ҳафта Президентимиз раислигида таҳлилий руҳда ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз аҳолисини, шу билан бирга, тадбиркорларни ўйлантириб турган кўплаб ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий муаммолар ҳақли равишда танқид остига олинди.

Акс садо

Энг кўп урғу берилган масала — раҳбарлар, масъуллар халқ таъшиши билан яшаши, ишлаши кераклиги билан боғлиқ бўлди. Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши шарт эканлигига оид тамойил ва талаб яна бир бор ёдга олинди. Бу жараёнда учраётган ҳар бир тўсиқ ва муаммога бирма-бир тўхталиш баробарида уларнинг аниқ ечимлари кўрсатиб ўтилди. Хусусан, жамиятга кучли, салоҳиятли, ижтимоий масъулиятни сезувчи, халқ учун очик ҳамда тегишли ваколатга эга ҳокимият кераклиги қайд этилди.

Асосий турдаги озик-овқат ва истеъмол маҳсулотлари бўлмиш гўшт, сут, парранда гўшти ва тухум нархи кескин ошиб кетмаслиги бўйича қатъий талаб қўйилди ва бу борада жорий этилган таъсирчан механизмлардан унумли фойдалана олмаган масъуллар ишдан кетиши бўйича огоҳлантирилди.

Бундан ташқари, йиғилишда ижро назоратини суст олиб борган институтлар фаолияти танқидий кўриб чиқилди. Президент Администрациясининг Назорат инспекцияси фаолияти тугатилди. Ижро интизомини мустаҳкамлаш, аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилиши белгиланди. Бундан бўён ижро интизомига Ҳисоб палатаси масъул бўлиши, унинг ваколатлари кенгайтирилиши, сарфланаётган маблағларнинг натижадорлиги таҳлил қилиб борилиши таъкидланди.

Шунингдек, эндиликда туманда иш ҳам, ёндашув ҳам, бошқарув тизими ҳам ўзгариши белгиланди. Бу тизим йил якунигача Сурхондарёда тўлиқ, шунингдек, Қўнғирот, Чимбой, Асака, Фижудувон, Фаллаорол, Яқабоб, Хатирчи, Чортоқ, Булунғур, Сирдарё, Кува, Шовот, Ҳазорасп туманлари, Марғилон ва Янгйўл шаҳарларида, Тошкент шаҳрида эса Бектемир туманида жорий қилинади.

Президентимиз янги тизимни Сирдарё тумани мисолида тушунтириб берди. Жумладан, комплекс ривожлантиришга масъул 9 та вазирликнинг туман бўлими ҳокимлик тизимига ўтади. Туман ҳокими ҳокимлик ва ушбу 9 та идорадаги штатларни тақсимлаб, қайси бўлимда нечта одам ишлашини, ишга олиш-бўшатишни ҳал қилади. Бундан бўён ҳокимда 4 нафар ўринбосар бўлади ва ривожланиш режасига қараб, қайси масалада ўринбосари бўлишини ҳокимнинг ўзи белгилайди.

Йиғилишда маҳаллий бошқарув жараёнига ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий менежмент услубларини жорий қилишга қаратилган халқчил ва конструктив ташаббуслар илгари сурилди. Бу каби фундаментал ўзгаришлардан кўзланган мақсад — йирик шаҳарларимиздан тортиб то чекка-чекка қишлоқларимизда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, яшаш шароитини яхшилаш.

Аниқ ишонч билан айтамызки, "Адолат" СДП жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш орқали белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ижроси таъминланишига салмоқли ҳисса қўшади. Аввало, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз фаоллиги ва жонбозлиги билан аҳолининг талаб ва истакларини ўрганамиз ҳамда уларни ижобий ҳал этиш борасидаги тақлифларимизни маҳаллий ҳокимликларга тақдим этамиз.

Қолаверса, Қўнғичилик палатасидаги фракциямиз аъзолари ёрдамида жойларда учраётган тизимли муаммоларга ечим топиш мақсадида фуқаролар билан алоқаларимизни янада кучайтиришга эътибор қаратамиз.

Ўзбекистоннинг ривожлантириш, халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш фақат тизим ёки ҳокимликнинг зиммасидаги масъулият эмас. Барчамиз вазифамизни сидқиқ дилдан бажарсак, йўлимизда учрайдиган тўсиқларни биргалликда бартараф қилсак, кўзланган мақсадларга, албатта, эришамиз.

Робохон МАҚМУДОВА,
Олий Мажлис Қўнғичилик палатасидаги
«Адолат» СДП фракцияси раҳбари.

Мулоҳаза

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати

Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжат янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига хусусий айблов институтини жорий этиш назарда тутилган. Қолаверса, жиноят процессида жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалдаги самарали институтини маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда ҳам қўллаш зарурати юзага келди. Яна ҳам оддийроқ қилиб тушунтирсак, ҳуқуқ ҳимояси идораларига келиб тушаётган эътироз ва шикоятларнинг аксарияти жабрланувчи ҳуқуқининг эътиборсиз қолаётганини кўрсатаяпти.

Одатда, хусусий айблов фақат жабрланувчининг айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб берган шикоят аризаси билан кўзгатилади эди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига хусусий айблов тартибида иш кўриш қисман мавжуд бўлиб, у жинсий эркинликка қарши жиноят ишлари асосидагина кўзгатилади (Ўзбекистон Республикаси ЖК 118-моддасининг 1-қисми ва 119-моддасининг 1-қисми). Жабрланувчи ночор аҳволда қолганлиги туфайли айбланувчига қарам бўлганлиги ёки бошқа сабабларга кўра ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳалқасан ўзи ҳимоя қила олмайдиган вазиялорда ҳолларда прокурор жабрланувчининг аризаласидан ҳам жиноят ишини кўзгатади.

Эндиликда мазкур қонун билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун тўхмат, ҳақорат қилиш, ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз рад этиш, тураржой дахлсизлигини бузиш, енгил тан жароҳати етказиш, мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш каби кўплаб ҳолатлар фақат жабрланувчининг аризасига асосан олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда хусусий айблов институтини жорий этиш назарда тутилган қонун қабул қилинишидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда жабрланувчининг айбловчи сифатида иштирок этиши ҳам кўзда тутилган.

Хусусий айблов институтининг жорий этилиши маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда қатор ўзгаришларни келтириб чиқаради. Жумладан,

жабрланувчининг роли ошади: жабрланувчи эндиликда фақатгина жабрланувчи сифатида эмас, балки айбловчи сифатида ҳам ҳаракат қилиши мумкин, яъни у ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва айбдорни жазолашда фаол иштирок этади.

Ишларни кўриб чиқиш самарадорлиги ошади: айбловчининг иштироки ишларни кўриб чиқиш жараёнини тезлаштириши ва самарадорлигини ошириши мумкин, чунки жабрланувчи ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бевосита иштирок этади.

Ҳуқуқбузарликка қарши курашишнинг янги усули сифатида:

хусусий айблов институти маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда янги усул бўлиб, жамоатчилик иштирокчини кенгайтиришга ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Ушбу ўзгаришлар Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим қадамлардир.

Бундан ташқари, қонун моддалари билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жариманинг энг кўп миқдорини белгилаш ваколатлари чиқариб ташланмоқда.

Ушбу қонун ҳуқуқий таъсир чоралари асоссиз қўлланилишининг олдини олиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Шавкат ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси.

УМУМЙ ФАРОВОНЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ҲАМКОРЛИК

Янги қақирқлар ва имкониятлар билан боғлиқ жадал ўзгариб бораётган дунёда Ўзбекистон амалий мулоқот ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликка содиқлигини кўрсатмоқда. Бунда Евроосий иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) ва унга аъзо давлатлар раҳбарларини бирлаштирувчи Олий Евроосий иқтисодий кенгаши каби асосий институтлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш муҳим ўрин тутати.

Муносабат

Ўзбекистон 2020 йилда ЕОИИда кузатувчи макomini олғач, стратегик режалаштирувчи ва юқори даражадаги мувофиқлаштирувчи орган сифатида Олий Евроосий иқтисодий кенгаши билан ўзаро ҳамкорликни изчил мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон тарихан, географик ва иқтисодий жиҳатдан Евроосий маконига жуда мос. Евроосий ташаббусларида қатнашиш мамлакатимизга 180 млн. кишилик улкан умумий бозорга чиқиш имконини беради. ЕОИИ билан ҳамкорлик юртимизнинг транспорт боғлиқлиги, саноат интеграциясини мустаҳкамлаш, ташқи савдо ва технологик алмашинуви ривожлантиришга интилишининг табиий давомидир.

Шу йил 27 июнь кунин Минск шаҳрида бўлиб ўтган Олий Евроосий иқтисодий кенгашининг йиғилишида Ўзбекистон Президенти ҳам иштирок этди. Шавкат Мирзиёев ўз чиқишида Олий Евроосий иқтисодий кенгаши билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини қайд этди.

Замонавий технологик қақирқлар мавзуси ҳам эътибор марказида бўлди. Давлатимиз раҳбари рақамлаштириш соҳасида электрон савдо, маҳсулотларни рақамли маркалаш, инновацион логистика платформаларининг янги ав-

лодини яратиш ва иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида сунъий интеллектдан фойдаланиш каби йўналишларни ўз ичига олган алоҳида ҳамкорлик дастурини қабул қилишни таклиф этди.

Президентимиз, шунингдек, Ўзбекистоннинг "Евроосий аэроэкспресси" дастурида, юк ташувларини рақамлаштириш ривожлантириш ва икким кун тартиби бозорида фаол иштирок этиш мамлакатимизга минтақанинг аграр ҳамда логистика инфратузилмасидаги ўрнини мустаҳкамлашга ёрдам беришини ҳам эълатиб ўтди. Техник тўсиқларни бартараф этиш ва регламентларни яқинлаштиришга қаратилган 40 га яқин тадбирларни ўз ичига олган уч йиллик режанинг амалга оширилиши Ўзбекистон ва Олий Евроосий иқтисодий кенгаши ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажминини барқарор оширишга хизмат қилади.

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда маъмурий тўсиқларни қисқартириш, ишбилармонлик ҳаракатчанлигини рағбатлантириш бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам эътибор қаратилди. Ўзбекистон иттифоқ доирасида меҳнат миграцияси ва касбий алмашинуви соддалаштиришга қизиқиш билдирган ҳолда "Чегара билмас иш" платформасига қўшилишга тайёрглигини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг

Олий Евроосий иқтисодий кенгаши йиғилишидаги чиқиши Ўзбекистоннинг Евроосий интеграциясига нисбатан прагматик, амалий ва фаол ёндашуvinинг ёрқин намоиши бўлди.

Бутун минтақани барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга қаратилган аниқ ташаббус ва ҳаракатлар режалари тақдим қилинди. Мазкур саммит якунлари, хусусан, савдони енгиллаштириш истиқболлари, рақамли инфратузилма, агро кооперация ва меҳнат ҳаракатчанлигини ривожлантириш Ўзбекистон миллий стратегиясининг устувор йўналишлари билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимиз умумий фаровонликка ҳисса қўишга фаол, прагматик ва амалий ҳамкор сифатида ўзини кўрсатмоқда. Бу бугунги дунёда мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч заифлашаётган бир пайтда ҳурмат, прагматизм ва умумий масъулиятга асосланган ҳамкорликни қандай йўлга қўйиш мумкинлигига яққол мисолдир.

Кенгаш ишида иштирок этиш, тажриба ва гоёлар алмашинуви, турли ташаббусларда қатнашиш Ўзбекистонга иқтисодий-сиёсий барқарорлик, маданий алоқалар ва инсон ишончи билан уйғун бўлган келажакнинг бир қисмини айланмиш имконини беради. Шу билан бирга, Ўзбекистон очкилик, яхши қўшничилик ва интеграция йўлига содиқ бўлган ҳолда мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг фаровон яшашига қаратилган барқарор ривожланиш миллий стратегиясининг ифодаси ҳисобланади.

Ақтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қўнғичилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.

Депутатлар — ҳудудларда

УЧРАШУВЛАРДА МАВЖУД ИМКОНИАТЛАР, МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлис Қўнғичилик палатаси депутати Бехзод Тўхтамуродов Навоий вилоятида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказди, тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Дастлабки манзил — Ҳазгон шаҳридаги 200 дан зиёд фуқаролар доимий иш билан таъминланган "Мармаробод" саноат корхонаси бўлди. Депутат юқори сифатли, сайқалланган мармар маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Бугунги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар нафақат ички бозор, балки халқарао бозорлар, жумладан, қўшни ва узоқ давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Ўз навбатида, ишлаб чиқариш технологиялари, меҳнат шaroитлари, ходимлар билими, корхонанинг ҳудудий иқтисодиётдаги ўрни ва экспорт салоҳияти атрофлича таҳлил қилинди. Корхона раҳбарияти билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш механизмлари муҳокама марказида бўлди. Фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар берилди.

Шундан сўнг депутат Ҳазгон шаҳар кўп тармоқли оилавий поликлиника фаолиятини ўрганди. Мазкур тиббиёт муассасасида аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизматлар кўрсатишмоқда. Аҳолининг 80 фоизи "Долзарб 90 кун" соғломлаштириш дастури доирасида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилган.

Ўрганиш давомида муассаса фаолиятининг айна ҳолати, кўрсатилаётган хизматлар сифати, мавжуд имкониятлар ҳамда юзага келаётган муаммолар атрофлича таҳлил қилинди.

Депутат Навбахор туманида ҳам бўлиб, "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, даромад манбаларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан танишди.

Камбағаллик реестрига киритилган 44 оиладан 9 таси реестрдан чиқарилган, қолган оилаларни кўллаб-қувватлаш ва уларни камбағалликдан чиқариш мақсадида алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётгани билдирилди.

Ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ САРИ

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шарoитлар яратиш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва камбағалликни қисқартириш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим ҳамда улар учун қулай ва мақбул муҳитни яратиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қўнғичилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси томонидан "Инклюзив жамият сари" лойиҳаси ишлаб чиқилган ва унинг доирасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Қўнғичилик палатаси депутати Жасур Жумаев Фаргона вилоятида бўлиб, "Инклюзив жамият сари" лойиҳаси доирасида қилинаётган ишлар ҳолати билан яқиндан танишди.

СПОРТ — СОҒЛОМ ТУРМУШ АСОСИ

Олий Мажлис Қўнғичилик палатаси депутати Ойбек Раҳимовнинг Бухоро туманидаги сайловчилар билан учрашувлари кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Депутат "Работикалмок" МФЙда бўлиб, "маҳалла еттичилиги" фаолияти билан яқиндан танишди. Масъуллар билан маҳаллада ўз йўналишларида амалга ошираётган ишлари, айланик, хотин-қизлар фаолининг аёллар бандлигини ҳамда оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, фарзандлар тарбиясига эътиборни кучайтириш борасидаги фаолияти ўрганилди.

Шунингдек, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларга иш ўринлари яратиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар, иж-

йилларда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатишнинг ижтимоий адолат мезонига асосланган шаффоф ҳамда рақамлаштирилган янги тизимини жорий этиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимоя йўналишида олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш бўйича депутат томонидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Учрашувларда аҳолининг мурожаатлари тингланиб, уларнинг аксарияти мутасаддилар билан ҳамкорликда ўз ечимини топди.

тимой ҳимоя масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Мулоқотлар чоғида депутат "маҳалла еттичилиги" фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан ўз тавсияларини берди.

Депутатнинг навбатдаги манзили Бухоро туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бўлди. Депутат спорт мактаби ўқувчилари билан мулоқот давомида юртимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор, яратилаётган имконият ҳамда шарт-шaroитлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Ушбу муассасада фаолият олиб бораётган мураббийлар билан суҳбатда ёшларни спортга кенг жалб этиш, инсон учун соғлом ҳаётнинг аҳамияти хусусида ўз фикрларини билдирди, таклиф ва тавсияларини берди.

«Халқ сўзи».

БАНКЛАРНИ САНАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буни халқаро стандартларга мос келувчи банк қонунчилигини яратиш бўйича олиб борилаётган саяё-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларнинг янги таҳрирда қабул қилингани банк тизимини ислоҳ этишининг янги босқичи бошланиши учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Президентимиз томонидан шу йил 23 июнь куни “Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида”ги Қонун имзолангани ҳам ушбу ислохотларнинг узвий давомидир, десак, янглишмаймиз. Бинобарин, қонун халқаро стандартларга мос равишда ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимизнинг банк-молия тизимида барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, жаҳоннинг деярли барча давлатида санация қилиш тизими банк-молия соҳаси барқарорлигини таъминлашнинг энг асосий воситаси саналади.

Янги қонун

Йирик инқирозларга қарши тизим

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, банкни санация қилиш деганда нима тушунилади? Бу банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда, унинг ўта муҳим вазифалари узлуқсизлигини таъминлаш, омонатчи ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда молиявий барқарорликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир.

Мазкур қонун қабул қилингунга қадар амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда, уни мажбурий тугатиш механизмидан фойдаланарди. Бу амалиёт, асосан, кичик банклар учун мўлжалланган бўлиб, йирик банклар тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда, уларни мажбурий тугатиш тизими молиявий инқирозларни келтириб чиқариши мумкин.

Сабаби йирик банклар бир неча минглаб йирик корпорациялар, ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларига хизмат кўрсатади. Мазкур банклар фаолиятининг тўхтаб қолиши ва мижозларининг ўз маблағларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлиши ушбу мижозларнинг бошқа тадбиркорлик субъектлари олдидаги мажбуриятларини бажара олмаслигига олиб келади ва бу “занжир реакцияси” тарзида охир-оқибат бутун иқтисодиётга тарқалиб, йирик инқирозларни келтириб чиқариши мумкин.

Банкларни санация қилиш тизими ана шундай йирик инқирозлар келиб чиқилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Қонун билан Марказий банк банкларни санация қилиш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгиланди ва унга маз-

кур жараёнда қатор ваколатлар берилди. Банкни санация қилиш зарарларнинг, биринчи навбатда, банк акциядорлари ҳисобидан қопланиши, омонатчи ҳамда кредиторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг қафолатланиши, омонатларнинг ҳимоя қилиниши, бошқарув органлари ваколатларининг ўтиши, жавобгарлиқнинг муқаррарлиги, кредиторлар зарарларининг чекланиши принциплари асосида амалга оширилади.

Омонатчилар манфаатлари ҳимояланади

Аҳамиятли жиҳати, қонунда банкнинг ўта муҳим вазифалари узлуқсизлигини таъминлаш банкларни санация қилишдан кўзланган энг асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланди.

Амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолса, унинг лицензияси Марказий банк томонидан қақриб олинган ва тугатиш комиссияси тайинланган, банкни мажбурий тугатиш жараёни бошланган.

Мажбурий тугатиш жараёни эса бир неча ойлаб ва ҳатто йиллаб давом этиб, бу даврда банк мижозларининг ўз маблағларидан фойдаланиш имконияти чекланган. Мижозларнинг маблағлари банкнинг мол-мулки сотилганидан кейингина қайтарилган.

Мазкур ҳужжат билан эса ушбу муаммолар бартараф этилди. Яъни банкларни санация қилишда унинг ўта муҳим вазифаларининг тўхтаб қолишига йўл қўйилмади. Бунда актив ва мажбуриятларни ўтказиш воситасидан фойдаланган ҳолда банк мижозларининг маблағлари бошқа соғлом банкка ёки оралиқ банкка ўтказилади ва мижозлар ҳеч қан-

дай узилишларсиз ўз маблағларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, қонунда санация қилишда банкнинг омонатчилари, кредитори ва акциядорларининг мажбурий тугатишдаги-га нисбатан кўпроқ зарар кўришига йўл қўйилмаслиги белгиланди. Бунда кредитор ва акциядорларнинг санация қилиш натижасида кўрган зарарлари мазкур банк мажбурий тугатилган тақдирда улар кўриши мумкин бўлган зарарлардан ошгани ёки ошмаганини аниқлаш учун санация қилиш жараёни тугаганидан сўнг баҳолаш ўтказилади. Баҳолаш натижаларига кўра банкнинг кредитор ва акциядорлари санация натижасида мажбурий тугатишдаги-га нисбатан кўпроқ зарар кўрганлиги аниқланса, уларнинг ортиқча кўрган зарарлари қоплаб берилади.

Қонунда банкларни санация қилиш билан бир қаторда, уларни ихтиёрий ва мажбурий тугатишнинг батафсил тартиби ҳам белгиланди. Ушбу ҳужжат қабул қилингунга қадар амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ банкларни тугатиш “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинган бўлиб, унда банкларни тугатишнинг ҳуқуқий асоси тўлиқ ёритилмаган.

Банкларни ихтиёрий тугатиш Марказий банкнинг рухсатномаси асосида амалга ошириларди ва ушбу рухсатнома бир босқичли тартибда бериларди. Бу тизимнинг асосий камчилиги шундаки, ихтиёрий тугатиш жараёнида, биринчи навбатда, омонатчиларнинг маблағлари қайтарилишини назорат қилиш имкони мавжуд эмасди. Бунинг оқибатида эса, энг аввало, кредиторларнинг маблағлари тўланиб, омонатчиларнинг маблағлари тўланишининг кечикиши, айрим ҳолларда эса улар ўз маблағларини тўлиқ ололмаслиги хавфи бор эди.

Мазкур қонун билан ушбу муаммо бартараф этилди. Яъни эндиликда банкни ихтиёрий тугатишга доир Марказий банкнинг рухсатномаси икки босқичли тартибда берилади. Аввал дастлабки рухсатнома берилиб, банкка барча омонатларни ўз эгаларига қайтариш мажбурияти юкланади. Банк омонатларни ўз эгаларига тўлиқ қайтариб берган тақдирдагина яқуний рухсатномани олиши мумкин бўлади.

Бу тартибнинг жорий этилгани омонатчилар манфаатлари ҳимоя қилиниши, уларнинг маблағлари бут сақланиши ва мижозларнинг банк тизими-га бўлган ишончи ошишига хизмат қилади.

Молиявий барқарорлик — ишонч қафолати

Ушбу қонун билан амалиётга жорий этилаётган яна бир муҳим янгиликлардан бири, бу — Молиявий барқарорлик кенгашининг ташкил этилиши.

Амалдаги қонунчилигимизда мамлакатда молиявий барқарорликни таъминлаш, тизимли молиявий инқирозлар вужудга келишининг олдини олиш ва бундай инқирозлар вужудга келганда, уни бартараф этиш ёки салбий оқибатларини юмшатишга масъул бўлган бирор-бир ягона мувофиқлаштирувчи орган мавжуд эмасди. Бу эса молиявий инқироз шариоатида молия тизимини назорат қилувчи органларнинг турли йўналишда ҳаракат қилишига, уларнинг ҳаракатларида ўзаро номувовификлар вужудга келиши ва бунинг натижасида эса молиявий инқирозни бошқариш қийинлашишига олиб келиши мумкин.

Молиявий барқарорлик кенгашининг ташкил этилиши мазкур муаммоларнинг бартараф қилинишини таъминлайди.

Қонунда Молиявий барқарорлик кенгаши мамлакатимизда молиявий барқарорликни таъминлаш, тизимли молиявий инқирозларнинг келиб чиқиш хавфлари-ни ўрганиш, уларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, юзага келган молиявий инқирозларни бошқариш ҳамда оқибатларини бартараф этиш мақсадида идоралараро мувофиқлаштиришга доир ваколатларни амалга ошириши белгиланди.

Бошқача айтганда, Молиявий барқарорлик кенгаши инқироз даврида молия тизимини назорат қилувчи регуляторларнинг яқдил ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишини таъминлайди.

Қонун бунда тўловга қобилиятсизлик ҳолати вужудга келганда нобарқарорлик устида тезкорлик билан назорат ўрна-тиш ва тўловга қобилиятсиз банкнинг банк тизими ҳамда иқтисодиётга салбий таъсирини қамайтиришга, банкнинг ўта муҳим вазифалари ва хизматлари узлуқсизлигини таъминлашга хизмат қилад-ди. Энг муҳими, омонатчилар ва креди-торлар манфаатларини ҳимоя қилиш, мижозларнинг банк тизими-га бўлган ишончини ҳамда мамлакатимизда моли-явий барқарорликни мустаҳкамлашда катта ўрин тутади.

Мақсуд ҚҲРБОНБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Бюджет ва иқтисодий масалалар
қўмитаси раиси ўринбосари.

Давра суҳбати

ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ИНСОН ТАҚДИРИДА АКС ЭТМОҚДА

Пойтахтимизда “Тараққиёт стратегияси” маркази, Жаҳон банки ва Буюк Британиянинг Марказий Осиё бўйича ривожланиш офиси ҳамкорлигида “Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” тадқиқоти натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз парламенти, вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мазкур тадбир аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, жумладан, хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, уларнинг меҳнат бозорида тенг иш-тирокини таъминлаш масалалари-га бағишланди. Шунингдек, “Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” тадқиқоти натижалари таҳлил қилинди.

— Бу борада олиб борилаётган ишларнинг самарасини аниқ баҳолаш ва тўри сиёсий қарорлар қабул қилиш учун ҳолис ҳамда чуқур таҳлилларга асосланган маълумотлар зарур, — дейди “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор Туляков.

— Жаҳон банки томонидан 2017 йилдан буюн амалга ошириб келинаётган “Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” тадқиқоти эса ана шундай муҳим маълумот манбаси ҳисобланади. Ушбу тадқиқот ислохотларнинг аҳоли турмуш даражасига қандай таъсир ўтказиб турганини тизимли ўрганишга қаратилган.

Тадбирда “Хотинқизлар.uz” миллий интерактив платформасининг ишга туширилиши аёллар муаммоларини ўрганиш ва уларга ечим топишда муҳим қадам сифатида қайд этилди.

“Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” тадқиқотининг 2025 йил май ойи ҳолатига кўра, аҳолининг 87 фоизи ўз уй ҳўжалигининг иқтисодий ҳолатини яхшилаган, деб баҳолаган. Шу билан бирга, аҳоли орасида иш ўрнини йўқо-тишдан хавотир сезиларли даражада қамайган. Тадқиқотда халқ-

аро меҳнат миграцияси, электр энергияси истеъмоли ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалалар билан боғлиқ маълумотлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Давра суҳбатининг энг муҳим қисми сифатида хотин-қизларни иқтисодий имкониятларини кенгайтириш масаласи атрофида муҳокама қилинди. Жаҳон банкининг камбағаллик ва тенглик бўйича глобал амалиёт бўлими раҳбари, доктор Амбар Нараян таъкидлаганидек, Ўзбекистон “Аёллар, бизнес ва ҳуқуқ” индексидан ўтган 2024 йилда сезиларли ютуқларга эришди. Жумладан, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида жинсий ўзравонликдан ҳимоя, бола парвартишлаш таътиллари ва гендер тенгликни таъминловчи қондалар мустаҳкамлаб қўйилди. Бу ислохотлар нафақат мамлакат ичида, балки бутун минтақада гендер сиёсатининг илғор намунаси сифатида баҳоланмоқда.

Тадбир доирасида Олий Мажлис Сенати, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, “Хамроҳ” ва “Uzum” компаниялари вакиллари иштирокида панель муҳокама қўйилди. Унда хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришда хусусий секторнинг ўрни, таълим ва қайта тайёрлаш дастурларининг аҳамияти, иш берувчиларнинг жавобгарлиги ва ижтимоий масъулияти каби масалалар кўриб чиқилди.

Давра суҳбати мамлакатимизда хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ҳамда гендер тенглигини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг амалий ифодаси бўлди.

Наргиза ЮНУСОВА
(«Халқ сўзи»).

ЎЗАРО ШЕРИКЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги муносабатлар тарихий, маданий ва иқтисодий алоқаларга асосланган бўлиб, сўнгги йилларда мазкур ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Икки мамлакат етакчиларининг интилиши мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, минтақавий ҳамкорлик ва тараққиёт учун кенг имкониятлар очмоқда.

Биз ва жаҳон

24-25 июнь кунлари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух тақли-фига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди. Олий даражадаги музокаралар чоғида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Бу эса икки мамлакат ҳам геосиёсий жойлашуви, тарихий ва маданий ўхшашлиги асосида кенг қамровли шерикликни ривожлантиришга интилаётганидан далолат.

Ўзбекистондаги ислохотлар ва Марказий Осиёдаги етакчи мавқеи расмий Улан-Батор учун, Мўғулистондаги сиёсий ҳамда иқтисодий ислохотлар ва қучли ўсиш белгилари Ўзбекистон учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Халқаро молиявий институтлар бу икки мамлакат иқтисодий ўсишига юқори баҳо бермоқда. Масалан, ХВЖ ва Жаҳон банки 2025 йили Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ўртача 6-6,5 фоизни ташкил этишини башорат қилаётган бўлса, Осиё тараққиёт банки (ОТБ) прогностларига кўра, 2025 йилда Мўғулистоннинг ялпи ички маҳсулотини (ЙИМ) 6,6 фоизга ўсади, бу эса асосан фойдали қазилмаларни қазиб олиш, ишлаб чиқаришнинг қўпайиши билан боғлиқ.

Бу ҳақда ОТБнинг «Осиё тараққиёти шарҳи» номли ҳисоботида маълум қилинди.

ОТБнинг Мўғулистон бўйича директори Эдвард Фабернинг айтишича, 2024 йилда Мўғулистон иқтисодиёти барқарорликни намойиш этди, шу билан бирга, қазиб олиш sanoati ва хизматлар соҳасидаги сезиларли ўсиш қишлоқ ҳўжалигидаги кескин қамайиш-ни қоплаган. 2025 ва 2026 йилларда қазиб олиш sanoati асосий ўсиш драй-вери бўлиб қолади, бу ички талабнинг барқарорлиги, инфратузилма инвести-циялари ва қишлоқ ҳўжалигининг бос-қичма-босқич тикланиши орқали қўллаб-қувватланади.

2025 йилда Мўғулистонда инфляция 9,1 фоизга ошиши, 2026 йилда эса 7 фоиз бўлиши кутилмоқда. Бу иқтисодий фаоллиқнинг ўсиши, давлат харажатларининг қўпайиши ва яқинда электр энергияси тарифларининг оши-



рилиши билан боғлиқ. Миллий статисти-ка қўмитаси маълумотларига кўра, 2024 йилда Мўғулистонда ЯИМ 4,9 фоизга ўсган.

Сўнгги 34 йил ичида Мўғулистон иқтисодиёти режали иқтисоддан бозор иқтисодиётга ўтишда узок ва мурак-каб йўлни босиб ўтди. Ҳозирги кунда у Фарбий Тинч океани ва Шарқий Осиё минтақалари учун энг истиқболли бо-зорлардан бири бўлиб, барқарор ва динамик ривожланмоқда. Биргина 2011 йилда мамлакат иқтисодиёти 17,3 фоизга ўсишни қайд этган бўлиб, бу кўрсаткич ўша йилларда Хитойнинг 9,6 фоиз ва Россиянинг 4,3 фоиз кўрсаткичларидан анча юқори эди. Агар COVID-19 пандемиясининг салбий таъсиридан бўлмаганда, Мўғулистон дунёда энг тез ривожланётган мам-лакатлардан бири бўлиб қолар эди.

Мўғулистон иқтисодиётининг потен-циали собиқ молия вазир Ганхуяг Чу-луун Хуттага томонидан “Бўри иқтисо-диёт” деб аталган ибора билан ифо-даланган. Бу ибора Мўғулистон “осиё-лик янги йўлбошчи” ёки “мўғул бўри” сифатида эътироф этилган. Тарихий ва аънавий жиҳатдан унинг иқтисодиё-ти, асосан, қишлоқ ҳўжалигига боғлиқ. Мамлакатда қишлоқ ҳўжалиги сектори чорвачилик ва унга боғлиқ йўналиш-лардан иборат бўлиб, ишчи кучининг тўртдан бир қисми шу соҳада фао-лият юритади ва ЯИМнинг тахминан 10 фоизини ташкил этади.

Мўғул чорвачилиги “таван хошуу мал” деб аталувчи беш асосий ҳайвон турини ўз ичига олади: эчкилар, қўйлар, катта чорва, отлар ва туялар. Мўғу-листонда эчки ва қўйнинг бир неча эста-лари бўлиб, мамлакат дунёда Хитой-дан кейин қашемир ишлаб чиқарувчи

иккинчи давлат ҳисобланади. Гўшт са-ноати ҳам муҳим секторлардан, Хитой ва Россия Мўғулистоннинг асосий экспорт бозорлари ҳисобланади. Хитой 21 та ва Россия 29 та гўштни қайта ишлаш корхоналарини экспорт учун тан олган. Қишлоқ ҳўжалигининг экинчилик қисмида эса мамлакатнинг огир иқлими асосан бўғдой ва арпа етиштиришга мос келади.

Қишлоқ ҳўжалиги секторидаги катта потенциал билан бирга, Мўғулистонда 440 дан ортиқ турдаги минерал ре-сурслар мавжуд: 180 та олтин кони, мис ва молибден, кўрғошин кони 200 дан ортиқ қўрилиш материаллари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ми-нерал конлари. Гоби қумларида жойлашган Оюу Толгой олтин ва мис ко-нлари нийҳоятда йирик бўлиб, 2025 — 2030 йилларда йиллик ўртача 550 минг тонна мис ва 450 минг унция олтин ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Тоғ-кон sanoati Мўғулистон иқтисо-диётининг асосий устуларидан. У ЯИМнинг 23 фоиз, умумий экспорт даромадининг 70 фоизини ташкил эта-ди ва 2,4 млрд. долларлик инвестиция-ларни жалб қилган. Шу боис ташриф чоғида геология ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги кенг қамровли ҳамкорлик масалалари ҳам қўрилгани бежиз эмас. Тоғ-кон соҳаси ҳамкорлиқнинг страте-гик йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Улан-Баторда Ўзбекистон Геология вазирлиги ваколатхонаси очилди. Бу нафақат биргаликда ҳомаёш ресурсларни ўзлаштириш, балки кадрлар тайёрлаш ва технология трансфери учун янги имконият яратди.

Мўғулистон ўз иқтисодиётини кен-гайтириш ва инфратузилмасини яхши-лаш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Шу мақсадда ҳўкумат 2023 — 2025 йил-ларни “Монголияга ташриф йиллари” деб эълон қилди. Натижада 2023 йил-да мамлакатга 600 минг сайёҳ ташриф-буорган бўлса, 2024 йилда бу кўрсат-кич 800 мингга етди ва туризмдан йил-лик даромад 1,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Шунингдек, “Минг йиллик йўл” лойиҳаси муваффақият-ли аяқланди. Бу лойиҳа натижасида 7 минг километрдан ортиқ асфальтлан-ган йўллар барча аймақларни пойтахт Улан-Батор шаҳри билан боғлайди. Бу лойиҳа унинг бошланишидан 21 йил ўтган амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг ютуқлари ҳам Мўғу-листонда катта қизиқиш билан куза-тиляпти. Масалан, мўғулистонлик экспертларнинг сўзларига кўра, яқин-қиянчага дунёнинг ёпиқ давлатларидан

бири ҳисобланган Ўзбекистонда сўнгги йилларда мисли қўрилмаган ижобий ўзгаришлар юз берди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби қадим-ий Ипак йўлидаги шаҳарлар билан дунёга машҳур бу диёр минг йиллар давомида цивилизациялар қорраҳаси сифатида узок тарихга эга.

Охириги ўн йил ичида Ўзбекистон иқтисодиёти йиллик ўртача 6 фоиз ўсди. 2017 йил бошланган ислохотлар жараёни тўхтовсиз давом этиб, янги Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича стратегик сиёсат муваффақиятли амал-га ошириляпти. Иқтисодиёт бўйича минтақада юқори ўринда турувчи Ўзе-бекистонни таҳлилчилар “Бешинчи Осиё йўлбарси” деб атаётгани бежиз эмас,

“Ўзбекистоннинг ютуқлари ҳам Мўғулистонда катта қизиқиш билан кузатилляпти. Масалан, мўғулистонлик экспертларнинг сўзларига кўра, яқин-қиянчага дунёнинг ёпиқ давлатларидан бири ҳисобланган Ўзбекистонда сўнгги йилларда мисли қўрилмаган ижобий ўзгаришлар юз берди.”

албатта. Олиб борилаётган ислохотлар мамлакатни ҳар томонлама ривожлан-тириш, халқаро майдондаги таъсири-ни қучайтиришга қаратилган.

Мутахассислар нисбатан қисқа вақт ичидаги бу муваффақиятларни бир неча омил билан изоҳлайди: собиқ иттифок даврида пахта етиштириш бўйича дунёнинг етакчи 10 давлатидан бири ҳисобланган Ўзбекистоннинг ми-нерал ҳомаёшга нийҳоятда бойлигини кўпчилик сезмаган. 2014 йил статис-тикасига кўра, мамлакат табиий газ қазиб чиқариш бўйича дунёда 14-ўрин, пахта экспорти бўйича 4-ўрин, ишлаб чиқариш sanoatiда 6-ўрин, уран ва мис захираси бўйича биринчи ўнлик, олтин захираси бўйича 4-ўрин, қазиб олиш бўйича 7-ўринда эди.

Тасдиқланган захирага эга 900 дан ортиқ фойдали қазилма конларининг тахминий қиймати 970 млрд. долларни, геология захирасининг тахминий қий-мати эса 3,3 трлн. долларни ташкил этади. Марказий Осиёнинг бошқа дав-латларидан фарқи улароқ, Ўзбекистон ушбу фойдали қазилмаларни ўзида қайта ишлаш ва қўшимча қиймат билан экспорт қилиш устулигига эга. Иккин-чидан, иқтисодий тармоклар ялпи ички маҳсулотга қўшган ҳиссасига кўра тар-тибланган ва қайси тармоклар яхши ривожланиши синчиклаб аниқланган.

тижаси эмас. Таълим меҳнат унумдор-лигини оширишининг асосий омилли бўлиб, ҳўкумат олий таълим тизимини жадал ривожлантириш сиёсатини амал-га оширмоқда ва ялпи ички маҳсулот-нинг 5-6 фоизини ушбу йўналишга сарфламоқда.

Шу билан бирга, ривожланишга тўққинлик қилувчи айрим омиллар ҳам мавжуд. Мамлакат денгизга чиқа ол-майди, икки-уч давлат ҳудуди орқали денгизга чиқиш имконига эга дунёда-ги икки мамлакатдан бири ҳисоблана-ди. Ушбу муаммони бартараф этиш учун транспорт тизимини 2035 йилга-ча ривожлантириш бўйича стратегик сиёсат ишлаб чиқилиб, маҳаллий маҳ-

ўзбекистон етакчисининг Мўғулистонга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янги йўналишларда ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Ухнаагийн Хурэлсух ўртасидаги музокаралар натижаси-га кўра, икки мамлакат ўртасида Кенг қамровли шериклик тўғрисидаги дек-ларация имзоланди. Бу ҳўжат дўстлик ва ҳамкорликни институционал дара-жага кўтарувчи тарихий қадамдир. Икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ушбу ташриф тарихий, икти-содий ҳамда геосиёсий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, муносабатлар-ни мустаҳкам шериклик ва аниқ амалий натижаларга йўналтирилган самара-ли ҳамкорлик босқичига кўтарди.

Баҳодир МАЪМУРОВ,
Бухоро давлат педагогика институтини ректори,
педагогика фанлари доктори, профессор.

«Навоийуран» давлат корхонасининг 300 миллион АҚШ долларига тенг биринчи еврооблигациялари Лондон фонд биржасида жойлаштирилди.



ИСТЕЪДОДЛИ ВА ФИДОЙИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР

1 мамлакатимиз таянчи ва суюнчи

Авазбек АРАББОЕВ,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги
Ёшлар парламенти аъзоси:



— Бугун Ўзбекистон ёшлари ҳаётининг барча жабҳасида фаол, ташаббускор ва интеллектуал салоҳиятга эга авлод сифатида шаклланиб бормоқда. Уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, қарор қабул қилиш жараёнларида иштирокини таъминлаш, давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини кучайтириш ҳам бугунги ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир.

Таъкидлаш ўринлики, бу борада Олий Мажлис Сенати ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламенти навқирон авлод вакиллари овозининг юқори минбарлардан эшитилишига хизмат қилаётган муҳим платформадир. Ушбу тузилма доирасида фаолият олиб борар эканмиз, эътиборимизни жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш, қонунчилик ташаббусларини кенг жамоатчиликка тушунарли тарзда етказиш, айниқса, ёшлар аудиторияси учун миллий контент

яратиш масалаларига қаратмоқдамиз.

Бугунги кунда Ёшлар парламенти ташаббуси билан йўлга қўйилган “Фикр подкаст” медиа лойиҳаси айнан шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Мазкур лойиҳа орқали биз нафақат Сенат фаолияти, балки ёшларга беvosита тааллуқли бўлган ижтимоий, ҳуқуқий, маданий мавзуларни очик муҳокама этиб бораёلمиз. Жумладан, ўтган йили имзоланган “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун мазмун-моҳияти, болаларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш йўлида глобал ва

миллий сазй-ҳаракатларни кучайтириш мақсадида қабул қилинган “Богота ҳаракатлар чакориғи” глобал ташаббусига Ўзбекистоннинг миллий мажбурияти, шунингдек, Парламентлараро Иттифокнинг 150-ассамблеясида мамлакатимиз томонидан илгари сурилган муҳим ташаббуслар ҳақида фикримизни ёшларга содда, замонавий ва таъсирчан услубда тақдим этаёلمиз.

Аёниқ, Қонун фақат ҳужжат эмас, жамият ҳаётини яхшилаш учун самарали восита. У халқимиз, жумладан, ёшлар томонидан чуқур анланмоғи лозим. Шу боис Ёшлар парламентидаги фаолиятимиз орқали бугун қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини навқирон авлод вакиллари тушунарли, креатив ва миллий руҳда етказишни асосий вазифа, деб биламиз. Шу орқали биз жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни мустаҳкамлаш, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган янги авлодни шакллантиришга ҳисса қўша оламиз.



ўрин тутади. Синовларда тобланиб, ўз устимда кучли тайёрланиб, SAT халқаро имтиҳонидан максимал 1600 баллни қўлга киритдим. Бу — ҳаётимнинг нуқтиласи ва ёрқин воқеаларидан бири, десам, адашмайман. Энди дунёнинг нуфузли олийгоҳларига ҳужжат топшириб, 100 фоизли грант асосида ўқишга кириш имкониятим бор ва бундан самарали фойдаланаман, албатта.

Уша учрашувда Ўртабосимиз ютуғим билан табриқланган, янада кўпроқ ишлашимга даъват этганди. Мен ҳам хорижийнинг илгор тажрибасини ўрганиб, юртимизнинг ҳар жihatдан равнақига ҳисса қўшишни ният қилганимни билдиргандим. Ҳозир ҳам шу йўлда меҳнат қилмоқдаман.

Дунёнинг бирор давлатида ёшларга эътибор Ўзбекистондагидек эмас. Шу кунгача кўпгина инглизча адабиётлар ўқиб, дунёни англаб бораёт-

Парвиз ТҶУҚОНОВ,
Бухоро шаҳридаги «Phoenix Academy» ўқув марказининг
SAT имтиҳони бўйича тайёрловчи-мутахассиси:

— Жорий йил бошида муҳташам Кўксарой қароргоҳида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ёшлари билан мулоқоти бўлиб ўтди ва унда ёшлар билан ишлаш натижадорлигини янада ошириш, уларга кенг имкониятлар яратиш чора-тадбирлари муҳокама қилинган, фаол ёшларнинг тақдирлари, фикр-мулоҳазалари тингланган эди. Ушунда юртимиз ёшларига яратилаётган катта имконият ва шарт-шароитларни чуқур англаб, кўксимизда фахр туйғуси янада алангаланди.

Инглиз тилини бошланғич синфдан оқ ўргана бошлаганман. Уни яхши ўзлаштиришим-да, аввало, тинимсиз ўқиш, изланиш, қолаверса, ота-онам ва дўстларимнинг кўмаги катта бўлди. Айниқса, юртимизда ёшларнинг билим олиши, санолаштириш ва имкониятини намойиш этиши учун яратилган шарт-шароит бунда муҳим

Пахлавон ҒУЛОМОВ,
Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси,
Шайх Зойид номидаги мукофот совриндори:



— Иқтидорли ва юксак салоҳиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга дунё талабларига мос таълим, миллий қадриятларга уйғун тарбия бериш бугун юртимизда навқирон авлодга берилаётган эътиборнинг энг муҳими ва келажақ учун зарурийси, десак, муболага эмас.

Биз таълим-тарбия олаётган Тошкент шаҳридаги Президент мактаби қолган таълим муассасаларига ўрнатилган

айни ҳақиқат. Хусусан, мактаб жамоамиз билан жорий йил бошида Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтган “Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги” доирасидаги халқаро форумда иштирок этдик ва Шайх Зойид номидаги мукофотнинг “Глобал ўрта мактаблар” номинациясида голиб деб топилдик. Бу ғалаба, айниқса, давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Араб Амирликларига таширининг ўзига хос воқеликларида бири бўлди.

Биз танловга тақдим этган лойиҳа ёмғир сувини қайта ишлаб, аҳоли эҳтиёжлари учун фойдаланишга қаратилган. Бунда уй ва бошқа бинолар томига ўрнатилган тарновлар орқали ёмғир сувини цистерналарга тўплаш ва филтрлаш орқали истеъмолга яроқли ҳолга келтириш мақсад қилин-

ган. Қувонарлики, голиблик учун ажратилган 150 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағ Қашқадарё вилоятининг олис, сув тақчил ҳудудларидаги маҳаллий аҳолини истеъмол учун яроқли сув билан таъминлашга йўналтирилди.

Лойиҳамиз аввалбошдан иштирокчилар ва ҳакамларда катта қизиқиш уйғотди. Очиғи, танловда голиб топилганимиз жуда ҳаяжонли ва қувончли бўлди. Албатта, катта ютуқларга ўз-ўзидан эришилмайди. Бу мукофот замирида устозлар меҳнати, ота-оналаримизнинг қўллаб-қувватлаши, айни пайтда, ўқилиш, ўрганиш, тинимсиз изланиш каби заҳматлар мумкин.

Демоқчиманки, биз учун яратилган шариоит ва имкониятлар катта ғалабалар сари йўл очмоқда. Бундан буён ҳам ўқиб-изланишдан тўхтамаймиз, келажақда эл-юртимиз хизматига камарбаста бўламиз.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

ДРОНЛАР – ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ЯҚИН КЎМАКЧИСИ

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ глобал муаммолар бошқа соҳаларда кузатилгани каби қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, қургўқчилик, об-ҳавонинг ҳаддан зиёд исиб кетиши ёки деградация, яъни чўлланишнинг орбити бориши соҳада янги инновацияларни жорий қилишни тақозо этмоқда. Анъанавий деҳқончиликда фермерлар ерга ўғит, пестицид ва бошқа агрохимикат моддаларни кўп қўллаши оқибатида атроф-муҳитга зарар етиб, “иссиқхона газлари” ҳосил бўлаётгани ҳам бор гап. Бу эса қишлоқ хўжалигида тоза ва “яшил” технологиялар — дронлардан кулай

Нуктаи назар

технологик восита сифатида фойдаланиш заруриятини юзага келтирмоқда.



Айни пайтда фермер хўжаликлариди ишчи кучи танқис бўлиб турибди. Бунинг устига техника харажатлари қимматлашиб борапти. Яна бир муаммо — далага қимёвий ўғитлар, пестицидлар сеппилаётганда соғлиққа зарар етиши мумкин. Дронлар эса бу борада фермерларга энг яқин кўмакчи бўла олади. Ҳозирги кунда дронлар деҳқончиликнинг таркибий қисмига айланиб борар экан, уларнинг самарали фаолиятига қараб, қишлоқ хўжалигида электромагнит тўқинларнинг қатор диапазонларига сезгир сенсорлар қўлланиб келинмоқда.

Дизайнига кўра, учувчисиз учуш воситаларининг турғун қанотли ва кўп роторли тури мавжуд. Турғун қанотли бундай воситалар ҳаводан юқори аниқликда суратга олиш, харидалаш ва топографик ўрганиш учун, кўп роторлилари эса қишлоқ хўжалиги экинларида зарарқонундалар, касалликлар ва бегона ўтларни кузатиш ва аниқлаш учун қўл келади. Қолаверса, дронлар томонидан тўпланган маълумотлар кўп жиҳатдан сунъий йўлдош маълумотларидан яхшироқдир. Чунки дронлар булутлар туфайли юзага келаётган шовқинларни бартараф этади. Шу боис тасвирларни олишда маълумотларнинг бари сақланади.

Дроннинг сунъий йўлдошга нисбатан яна бир афзаллиги шундаки, у исталган вақтда ишлай олади, сунъий йўлдош эса фақат олдидан белгиланган вақтда маълумот узатади. Шунинг учун дронлар сунъий йўлдош маълумотларига қараганда реал вақт режими-



Халқ сўзи
Народное слово

ТАНЛОВИГА

ли газ чиқиндиларини камайтириш ва ер ости қатламининг қотиб қолиши ҳамда тракторларнинг тупроқ юзасида тақрорий ҳаракати натижасида юзага келаётган шудгор панжалари пайдо бўлишининг олдини олади.

Ҳатто экинларни мониторинг қилишда, мавсум давомида ҳосил ҳолатини кузатишда ҳам дронлар деҳқонларга мададкор. Бу технология фермерларнинг ўз экинларини визуал текшириш заруриятини йўқ қилади. Уларни боғу роглар ёки чекка ҳудудларда ўсади-қилишда ҳам ишлатиш мумкин. Шунингдек, фермерлар учун бориш қийин бўлган тоғ ва адирликлардаги экинлар ҳамда дарахтларни кузатишда яхши самара беради.

Дронлар, айниқса, ишлатиладиган қимёвий моддаларнинг самардорлигини оширишда, тупроқ ва сув ифлосланиши, уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Қимёвий моддаларни бошқа усулларга қараганда юқори тезликда пуркаш билан бирга ресурсларни тежайди.

Келажақда технологиянинг ривожланиши билан дрон ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши айтилмоқда. Демак, ёшларни қишлоқ хўжалигида меҳнатга жалб қилишда дронлар муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, улар атроф-муҳитга зарар етказмасдан қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш ҳамда иқтисодий салоҳиятни юксалтириш имконини беради. Шу маънода айтиш мумкин-ки, дронлар яқин келажақда фермерларга ўз далалари ҳамда ресурсларни самарали ва барқарор бошқаришда зарур технологик восита бўлиб хизмат қилади.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, техника-педагогика
фанлари доктори, профессор.

Табиат ва биз

Дарахтларни рақамлаштириш платформаси

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда “Замин” халқаро жамоат фонди кўмағида пойтахтдаги дарахтлар ягона рақамли реестрини яратиш ишлари бошланди.



Айни пайтда шаҳарнинг яшил майдонлари ҳақидаги барча маълумотни ўз ичига олган электрон маълумотлар базаси яратилмоқда. Мазкур рақамли реестр дарахтларни тизимли ҳисобга олиш, уларни қурилиш ва ер ресурслари билан боғлиқ давлат ахборот тизимларига интеграция қилиш, шунингдек, муҳофазасини кучайтириш ҳамда ноконуний кесим ҳолатларининг олдини олиш имконини беради.

Мазкур жараён давомида сунъий интеллект, “GPS” ускуналари, фотофиксация ва яшил майдонларни асбоблар ёрдамида ўлчашни ўз ичига олган замонавий технологиялардан фойдаланилади. Дарахтлар дендрологлар томонидан рақамлаштирилиб, текширувдан ўтказилгандан сўнг реестрда уларнинг аниқ сони, тури, ёши, ҳолати ва бошқа муҳим хусусиятлари жойлаштирилади.

Жорий йил якунига қадар green.tashkent.uz платформасида камида бир миллион туп дарахтнинг рақамли реестрга киритиш режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Гимнастикачиларимиз — кучли учликда!



Болгариянинг София шаҳрида бадий гимнастика бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари ҳам қатнашди.

Ҳамюртларимиз мусобақа давомида 141.850 очко жамғариб, якунда бронза медалларига эга чиқди ва шоҳсупанинг учинчи поғонасини банд эттиди. Болгариялик спортчилар 147.350 очко билан олтин, АҚШлик гимнастикачилар эса 143.200 очко билан кумуш медалларни қўлга киритди.

Талабалар спартакиадаси

Ўшда Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг талаба ёшлари ўртасида 8 та спорт йўналиши бўйича талабалар спартакиадаси мусобақалари бўлиб ўтди.



Чинакам дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган ушбу мусобақаларда мамлакатимизнинг Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятлари олий ўқув юртиларининг 100 нафарга яқин талабалари иштирок этиб, футбол,

оғир атлетика, белбоғли кураш, стол тенниси, шахмат, бадминтон каби спорт турларида юқори ўринларни эгаллашди. Беллашувлар якунларига

кўра, голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом, медаль ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Мураббийлар учун семинар



Тошкентда камондан отиш бўйича маҳаллий мураббийлар учун семинар бўлиб ўтмоқда. ХОҚнинг Олимпия бирдамлиги лойиҳаси асосида Бутунжаҳон камондан отиш федерацияси ҳамда Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон камондан отиш федерацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу семинарда 27 нафар мураббий қатнашмоқда.

қилинган сўнгги қарор ҳамда қоидалардаги ўзгаришлар борасида ўз билимларини бойитмоқда. Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида бўлиб ўтаётган семинар 30 июнга қадар давом этади.

«Халқ сўзи».

Фуқароларга I ёки II гуруҳ ногиронлиги белгиланганда пенсиялар алоҳида мурожаат талаб этмасдан проактив шаклда тайинланади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буяорта Г — 642. 13 107 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилбаст 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўзғалмақлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига

“Шарк” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарк” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6